

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 32/30.12.2020.Үн.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЮЛДАШЕВА ФЕРУЗА УЛУГБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА КИРИШ
ВА ЎТАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Юлдашева Феруза Улугбековна

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш.....3

Юлдашева Феруза Улугбековна

Совершенствование правового механизма поступления и прохождения государственной службы в Республике Узбекистан..... 25

Yuldasheva Feruza Ulugbekovna

Improve the legal mechanism of the entry and passing in civil service in the Republic of Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 32/30.12.2020.Үн.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЮЛДАШЕВА ФЕРУЗА УЛУГБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА КИРИШ
ВА ЎТАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмунси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3. PhD/Yu175 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, англиз) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mghti.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асадов Шавкат Гайбуллаевич
юримик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Саид-Газиева Нилуфар Шерзодовна
юримик фанлар доктори, доцент

Ўўдлошев Азиз Эргашевич
юримик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигини
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июль соат 12.00 ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-itu.uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 2100 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» июль да тарқатилади. (2021 йил «16» июль даги 2 рақамли реестр баённомаси).




M.X. Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримик фанлар доктори, профессор

M.M. Нурастона
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юримик фанлар доктори, доцент


M.B. Усманова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, хусусан, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш механизмларини тартибга солиш устувор вазифа ҳисобланса-да, ривожланаётган айрим мамлакатларда давлат хизмати тизимли тартибга солинмаган. Жамиятнинг жадал ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариши давлат бошқаруви тизимида хизмат муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса давлат хизматида энг иқтидорли, лойиқ ва мос келадиган кадрларни танлаш, замон талаблари асосида уларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш учун мавжуд тизимда ўзгаришларни жорий этиш лозимлигини тақазо этади. Бугунги кунда дунё мамлакатлари учун давлат хизмати самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳисобланган «Ҳукумат самарадорлиги» (Government Effectiveness) рейтингида юқори ўринларни эгаллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бундай жараёнда давлат хизматида раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (KPI) асосида халқаро тажрибани инobatга олиб баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида давлат хизмати давлат бошқарувини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу борада олиб бориладиган ҳар қандай илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда давлат хизматида кириш ва ўташнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бундан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизмати қонунчилигини такомиллаштириш, танлов асосида қабул қилишнинг ҳуқуқий механизминини жорий этиш, давлат хизматида қабул қилишда расмийликнинг олдини олиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат хизматчиларнинг лавозим реестринини ишлаб чиқиш, давлат хизматчиларни ротация ва аттестация қилиш умумий тартибинини жорий этиш, жамиятда профессионал давлат фуқаролик хизматининг нуфузини ошириш, улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда самарали давлат бошқарувида кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодий тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш; мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий

механизмларини жорий этиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш; «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, такрорланувчи функцияларни бажарадиган давлат органлари, турли комиссияларни бекор қилиш ёки бир-бирига қўшиш орқали давлат бошқаруви ва хизматини тубдан ислоҳ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, мамлакатимизда давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 майдаги ПҚ-3755-сонли «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5077-сонли «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон «Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» қарори ва мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «III. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олим ва тадқиқотчиларидан: Б.Ш. Мирбобоев, И.А. Хамедов, М.А. Ахмадшаева, Г.Р.Маликова, Г.С. Исмаилова, М.М. Миракулов, Н.Ш. Саид-Газиева, О.Т. Хусанов, Р.Р. Хақимов, Р.Ф. Равшанов, У.Т. Тожихонов,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // www.lex.uz.

У.Ш. Хусаинов, Ф.Исаева, Х.Р. Алимов, Х.Т. Азизов, Х.С.Хайитов, Х.Т.Одилқориев, Ш.А. Асадов, Э.Т. Хожиев, Қ.Қ. Куранбаев ва бошқалар томонидан давлат хизматига оид масалалар тадқиқ этилган¹.

МДХ давлатларида давлат хизматига оид масалалар: Г.В. Атаманчук, Д.Н. Бахрах, В.Д. Граждан, С.С. Алексеев, Е.В. Охотский, Б.Н. Габричидзе, А.Г. Чернявский, А.Ф. Ноздрачев, В.М. Манохин, Д.М. Овсенко, Ю.Н. Стариков, А.В. Гусев, Н.А. Гребенкина, Н. М. Казанцев, Н.М. Конин, С.П. Минасян, Е.Г. Крылова, Т.В. Щукина, И.П. Бушуева, Н.А. Гребенкина, А.А. Гришковецлар каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган бўлиб, мавзунинг айрим жиҳатларини ўрганишга муайян даражада ёрдам беради.

Хорижий мамлакатларда давлат хизматига кириш ва ўташ билан боғлиқ масалалар: R. Stefenson, Willie Charles, M. Kokh, H. David, T. Barnay, Duguet E., Le Clainche C., Videau Y., Louise Dalingwater, Nik Ahmad Kamal bin Nik Mahmod, K. Schedler, I. Proeller ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган

Мамлакатимизда давлат хизматига оид махсус илмий тадқиқот иши «Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзусида Н.Ш. Саид-Ғазиева томонидан амалга оширилган. Мазкур тадқиқотда давлат хизматининг муаммолари, давлат хизматида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш, давлат хизматида коррупцияга қарши кураш, давлат хизматидаги кадрлар билан ишлаш каби масалаларнинг назарий асослари тадқиқ этилган.

Ҳуқуқшунос олим И.А. Хамедовнинг «Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертациясида давлат аппаратини кадрлар билан тўлдириш ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш каби масалалар тадқиқ этилган.

Профессор О.Т. Хусанов томонидан давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати ва бу борада миллий қонунчиликни такомиллаштириш каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170926317 «Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳамда давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослантилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

давлат хизмати институтининг илмий-назарий ва методологик асосларини илмий тадқиқ этиш;

давлат хизматига кириш ва ўташ моделларини тадқиқ этиш;

давлат хизматига кириш ва ўташ принципларини таҳлил қилиш;

давлат фуқаролик хизматига кириш ва ўташдаги ҳуқуқий асосларни таҳлил қилиш;

давлат фуқаролик хизматида кадрлар сиёсатини амалга ошириш ва бошқариш масалаларини ўрганиш;

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг ижтимоий заруратини таҳлил қилиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва улар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматига кириш ва ўташнинг ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот предметини Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматига кириш ва ўташнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва механизмларига оид қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, хорижий тажриба ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, ғоялар, қарашлар, назариялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда тизимлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, норматив-ҳуқуқий таҳлил, умумлаштириш, мантиқийлик, ижтимоий сўров ҳамда маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«давлат хизматчиси» тушунчаси: «ўн саккиз ёшга тўлган, тегишли малакага эга, давлат органларида давлат мансабини эгаллаб турган, давлат томонидан тўланадиган (маош) ҳақ эвазига давлат вазифа ва функцияларини бажарадиган, эгаллаб турган мансаб лавозимидан келиб чиқиб мажбуриятларни қонун асосида ўрнатилган тартибда доимий амалга оширувчи фуқаро» муаллифлик таърифи билан бойитилган;

Ўзбекистонда давлат органлари олдига қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга қодир фуқаролик давлат хизматчилари ва бошқарув кадрларини танлаб олишда уларнинг ақлий салоҳиятини (интеллект даражаси-IQ-тест) ҳамда сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар соҳасида билим даражасини аниқлаш бўйича тест синовини ўтказиш зарурати асосланган;

янги Ўзбекистон шароитида фуқаролик давлат хизматчилари ва бошқарув кадрларини танлаб олишда етакчилик (лидерлик) салоҳияти ва ўзгаришларга мослашувчанлик даражаси каби компетенцияларни баҳолаш зарурати асослаб берилган;

божхона органларида хизматга қабул қилишда бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқароларга чекловлар белгилаш зарурати исботланган;

судьялик лавозимларига номзодлар захирасига одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликларга ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлган; белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган; ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун ваколатлари олдинги иш жойи бўйича белгиланган тартибда тугатилган фуқароларни киритмаслик кераклиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муаллиф томонидан берилган тушунчалар ва ёндашувлар давлат хизматидаги кириш ва ўташ механизмларининг методологик асосларини яратишга хизмат қилган;

давлат хизматидаги кириш ва ўташ бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон давлат хизмати тизимига жорий этиш бўйича концептуал ғояларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга хизмат қилган;

давлат хизматида «Устоз-шогирд» муносабатларини амалда татбиқ этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар кадрлар тақчиллигининг олдини олиш, давлат хизматидаги кириш механизмининг либераллаштиришга хизмат қилган;

давлат хизматчиларининг ротация қилиш зарурати кўрсатганлиги, кадрларнинг горизонтал ҳаракатланишининг тартибга солиш ва коррупциянинг юзага келишининг олдини олиш, давлат хизматидаги кириш ва ўташ механизмларининг такомиллаштиришга хизмат қилган;

давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ меъёрлари асосида давлат органлари ва ташкилотларида самарали кадрлар сиёсатининг олиб боришига ҳисса қўшилган;

давлат фуқаролик хизматидаги кириш ва ўташда давлат хизматчилари ва бошқарув кадрларининг эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни аниқлашга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишининг хулосалари давлат фуқаролик хизматидаги кириш ва ўташга оид хорижий мамлакатлар ва миллий қонунчиликни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олингани; ўтказилган социологик сўровнома натижалари анкета шаклига асослангани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги қонун ижодкорлигида, қонун ҳужжатлари нормаларининг шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Давлат хизмати” фанларининг илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, семинар

ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмларини шакллантириш қонунларнинг давлат ҳукуқий сиёсатига уйғун ҳолда ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига кириш ва ўташнинг ҳукуқий механизмни такомиллаштиришга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«давлат хизматчиси»га доир концептуал ғоя ва таклифлардан «Давлат бошқаруви» магистратура мутахассислиги учун «Давлат хизмати» (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўқув-услугий кенгашининг 2019 йил 25 октябрдаги баённомаси) ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2020 йил 15 октябрь 03/757-сон далолатномаси). Натижада, ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган магистрантлар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, бошқарув кадрларининг билими, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига хизмат қилган;

истикболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловининг биринчи босқичида иштирокчиларнинг ақлий салоҳиятини, иккинчи босқичда сиёсий-ҳукуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлардан хабардорлик даражасини аниқлаш бўйича тестлар ўтказиш зарурати ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги ПҚ–3755-сонли «Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 14 декабрь 06/2-3265-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар замонавий бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг самарали тартибини шакллантиришга хизмат қилган;

истикболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловида иштирокчиларни баҳолаш ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонларига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги ПҚ–3755-сонли «Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 14 декабрь 06/2-3265-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар профессионал бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий ва барқарор мезонларини шакллантиришга ҳисса қўшган;

божхона органларида хизматга қабул қилиш ва хизматни ўташга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ-502-сонли «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунининг 13-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 06/2-06-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар божхона органларидаги хизматга фуқароларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, уларнинг божхона органларидаги хизматда кўтарилиши ва бошқа лавозимга ўтишининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантиришда номзодлар учун қўйилган муайян талабларни белгилашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-566-сон «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 06/2-06-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар судьялик лавозимларига номзодлар захирасига шахсларнинг киритилиши мумкин бўлмаган ҳолатларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 6 та мақола (1 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 153 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг

жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Давлат хизматиға кириш ва ўташ - давлат хизматининг ҳуқуқий институти сифатида”** деб номланган биринчи бобида давлат хизмати институтининг илмий-назарий ва методологик асослари, давлат хизматиға кириш ва ўташнинг моделлари, асосий принциплари таҳлил этилган ва ёритилган. Ушбу бобнинг *«Давлат хизмати институтининг илмий-назарий ва методологик асослари»* деб номланган биринчи параграфида «хизмат», «давлат хизмати», «давлат фуқаролик хизмати», «давлат хизматчиси» тушунчаларининг назарий асослари ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳамда хорижий мамлакатларда ушбу тушунчалар талқинининг ўзига хослиги очиб берилган. Бу борада олимларнинг (М. Вебер, Ю.Н. Стариков, А.А. Гришковец, Г.В. Атаманчук, А.В. Оболонский, А. Ноздрачев, Н. Коркунов, Н.М. Конин, Ю.А. Тихомиров, В.Г. Игнатов, Е.В. Масленикова, А.В. Гусев, У. Таджиханов, Н.Ш. Саид-Газиева, Э.Т. Хожиев) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, улар билан илмий мунозара қилган ҳолда «давлат хизмати», «давлат фуқаролик хизмати» тушунчаларига муаллифлик таърифи берилган.

Жаҳонда давлат хизматини номлашда турли атамалар «фуқаролик хизмати» («civil service»), «оммавий хизмат» («public service»), «давлат хизмати» («government service») каби турли атамалар ишлатилади. Кўпинча бу атамалар синоним сифатида ишлатилади, аммо кўпчилик юридик адабиётларда ушбу категорияларнинг бир-биридан фарқланиши муаллиф томонидан таъкидлаб ўтилган.

Параграф доирасида барча давлат хизмати тўғрисидаги талқинларни таҳлил қилган ҳолда, тадқиқотчи томонидан давлат хизматининг қуйидаги белгилари ажратиб олинди.

Биринчидан, давлат хизмати - давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилади, яъни моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган фаолият. Шу билан бирга, «давлат бошқаруви» тушунчасини фақат тор маънода ижро ҳокимият соҳасида олиб бориладиган давлат аппарати фаолияти сифатида талқин қилиш керак эмас, балки кенг маънода, давлатнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига бошқарув таъсири сифатида тушуниш керак. Акс ҳолда ижро ҳокимиятига тегишли бўлмаган вакиллик, суд ва бошқа давлат хизматчиларининг фаолияти ушбу тушунча доирасидан ташқарида қолади.

Иккинчидан, оммавий хусусиятга эгаллиги, яъни давлат хизматининг бутун жамият манфаатлари йўлида амалга оширилиши (фуқаролар, турли хил ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар).

Учинчидан, давлат хизмати маълум даражада сиёсий хусусиятга эга, чунки у давлатнинг вазифалари ва функцияларини амалга оширишга қаратилган, давлатнинг ўзи жамият сиёсий тизимининг асосидир.

Тўртинчидан, давлат хизматининг профессионал (касбий) фаолиятда ифодаланганлиги. Давлат хизматида бўлган шахс учун асосий фаолият йўналиши, албатта, бу давлат хизматидир.

Бешинчидан, давлат хизматчилар меҳнатига иш ҳақининг фақат давлат бюджетидан тўланиши.

Олтинчидан, давлат хизмати давлат хизматчилари, яъни давлат органларининг штат бирлигидаги лавозимни эгаллайдиган шахслар томонидан амалга оширилади, одатда, доимий равишда.

Еттинчидан, давлат хизмати тегишли касбий билимлар, кўникмалар ва тажрибага эга бўлишни талаб қилади, бу давлат лавозимларига даъвогар ва лавозимни эгаллаб турган шахслар учун маълум малака талаблари ва шартларини белгилашни, шунингдек, давлат хизматчисининг карьера модели давомида бундай билим ва кўникмаларни доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади.

Саккизинчидан, давлат хизматчиларининг маълум бир ҳокимият ваколатларига эга бўлиши, шу жумладан нафақат бўйсунувчи хизматчилар, балки бошқа жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий актларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиш.

Тўққизинчидан, давлат хизмати қатъий қонун доирасида амалга оширилади, яъни давлат лавозимларига кириш усуллари, давлат хизматчиларининг вазифалари, ваколатлари ва фаолияти, одатда, қонун билан тартибга солинади.

Параграф доирасида «давлат хизматчиси» тушунчасига нисбатан: Д.Н.Бахрах, А.А.Гайдар, Д.Овсянков, С.Минасян, О.Т. Хусанов, Б.Мирбобоев, Х.Алимов каби олимларнинг илмий ишларида билдирилган нуқтаи назарларни ўрганиб, баҳс-мунозарага киришган ҳолда ушбу тушунчага муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Биринчи бобнинг «*Давлат хизматига кириш ва ўташнинг моделлари*» деб номланган иккинчи параграфиди давлат хизматига кириш ва ўташ моделлари таҳлил этилган. Хусусан, давлат хизматига кириш ва ўташ моделларига доир сиёсатшунос ва олимлар (В.Вилсон, М. Тетчер, Р.Стефенсон, Г. Борщевский, Д.Ю.Знаменский И.Хамедов, Nik Ahmad Kamal bin Nik Mahmud ва бошқ.) томонидан илгари сурилган нуқтаи назарлар қиёсий таҳлил қилинган.

Хусусан, амалга оширилган таҳлиллар натижасида маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда давлат хизматига кириш ва ўташнинг идеал моделини белгилаш ва давлат бошқарув тизимига мосини танлаш масаласида тадқиқотчилар томонидан яқдил фикр ва мулоҳазаларнинг шаклланмаганлиги ҳамда турли хил нуқтаи назарнинг мавжудлиги ўрганилиб, муаллифнинг уларга нисбатан муносабати баён қилинган.

Мазкур параграфда муаллиф томонидан ривожланган хорижий мамлакатлар давлат хизматлари модели таҳлил қилинган. Романо-герман (континентал) модели (Европа давлатлари, Лотин-Америка, Яқин Шарқ, Япония ва Индонезия), англосаксон модели (*common law* - умумий ҳуқуқ тизими) англосаксон ва қисман Британия ҳамдўстлиги давлатлари, ислом давлатларида давлат хизмати (Покистон, Эрон, БАА, Омон ва бошқ.), совет (меҳнат) модели (Хитой, Куба, баъзи собиқ постсоциалистик давлатлар) нинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Мазкур параграфда муаллиф томонидан ўрганилган моделлар ва Ўзбекистон ҳуқуқ тизими романо-герман ҳуқуқ оиласига мансублигини инобатга олиб, давлат хизматининг романо-герман «карьер модели»га хос бўлган давлат хизматига кириш, ўташ ва хизмат бўйича юқорига ҳаракатланишда меритократия принципи қўлланилиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими белгиланиши, мамлакатда давлат фуқаролик хизматининг “карьер модели” жорий этилиши кераклиги тўғрисида хулоса қилинган.

Ушбу бобнинг «Давлат хизматига кириш ва ўташнинг асосий принциплари ва ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган учинчи параграфда давлат хизматига кириш ва ўташ принциплари ҳамда давлат хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши ўрганилган.

Параграф доирасида муаллиф томонидан «давлат хизмати принциплари» тушунчаси ўрганилиб – бу «давлат ҳокимияти бутун тизими таянадиган хизматни ташкил этиш ва ўташга доир меъёрлар, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ва фуқаролар билан муносабатларини қонуний ва қонуности тартибга солувчи, белгиланган фундаментал назарий кўрсатмалар ва чегаралардир», деган хулосага келинган. Шунингдек, олимлар (В.М.Манохин, Б.Н.Габричидзе, А.Г.Чернявский, П.П.Сергун, Г. Мухаметова, Ш.Ғ.Асадов, Э.Т.Хожиев) томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлили асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларидаги белгиланган давлат бошқаруви принципларига мувофиқ давлат хизматига кириш ва ўташ принципларини: *конституциявий, ташкилий, соҳавий* каби уч гуруҳга бўлиш мумкинлиги қайд этилган.

Диссертацияда мамлакатнинг давлат хизмати соҳасида амалга ошираётган ислоҳотларининг муҳимлиги таъкидланиб, ушбу ислоҳотларни амалга оширишда меритократия принципининг аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Меритократия тамойили («меритократии» термини «муносибларнинг кучи», яъни, «meritus» лотинчадан «муносиб» + κράτος қадимий юнонча сўздан «ҳокимият, куч, ҳукмронлик», деган маънони англатади. Мазкур термин таниқли социолог Митчел Янг томонидан киритилган)¹ давлат хизматида юқори лавозимларда ҳаракатланишда, кадрлар захирасидаги рўйхатни тузишда қўлланилиши керак. Хусусан, аҳолининг барча ижтимоий қатламларидан шахсий ютуқ ва муваффақиятлар учун танлаб олинган энг қобилиятли шахслар раҳбарлик лавозимларига номзод қилиб кўрсатилиши лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматига кириш ва ўташнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» деб номланиб, унда давлат хизматига кириш босқичлари, усуллари, давлат хизматчиларининг хизмат поғонасидан ҳаракатланиши, аттестация, ротация, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, фаолиятини баҳолаш, давлат хизмат

¹ Меритократия // Краткий политический словарь/под общ. Ред. Н.В. Шишлина, Л.А.Оникова. – М.: Политиздат, 1978. – С 226.

муносабатларини бекор қилиш жараёнлари, кадрлар захираси шунингдек, давлат хизматини бошқарадиган органлар фаолиятига оид масалалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг «Давлат фуқаролик хизматида киришнинг тартиб-таомиллари» деб номланган биринчи параграфиди давлат хизматида кириш босқичлари, турлари, ҳуқуқий асослари ва мавжуд муаммолар ўрганилган.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, тадқиқотчи «давлат хизматида кириш» тушунчасига таъриф бериб, унинг босқичларини белгилаб берган. Хусусан, давлат хизматида кириш куйидаги босқичларни ўз ичига олади: бўш лавозимларнинг пайдо бўлиши ва қабул, танлов, сайловлар ҳақида хабардор қилиниши; бўш лавозимларга номзодларнинг танланиши; лавозимларни тўлдиришнинг ташкилий-ҳуқуқий усулларида бири сифатида ишга қабул қилганлик тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши; мансабга тайинланиш; давлат хизматчилари захирасига рўйхатга олиниши.

Бугунги кунда давлат фуқаролик хизматини тартибга солувчи ягона қонуннинг мавжуд эмаслиги, давлат фуқаролик хизматида кириш тартибини белгиловчи умумий қоидалар мавжуд эмаслиги ҳамда ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилотларига кириш меҳнат қонунчилиги нормалари ва ушбу давлат органларининг ҳужжатларида акс этганлиги баён этилган. Шунингдек, тадқиқотчи миллий қонунчилигимизда давлат лавозимларини эгаллаш усуллари орасида аниқ чегара белгилаб берилмаганлигини ва баъзи ҳолларда улар бир вақтда қўлланилиши мумкинлиги таъкидлаб, куйидаги усуллари кўрсатиб ўтади: эгаллаш (қабул), тайинлаш, танлов, сайлов. Мазкур усуллари кўллаш масаласида хорижий эксперт ва миллий олимлар (А.В. Торба, Е.А. Литвинцева, Л.А. Чиканова, А.Н. Аверин, Г.Р. Маликова, Э.Т. Хожиев) фикр-мулоҳазалари ўрганилган.

Тадқиқотчи томонидан 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 1-курс магистратура ва «Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш» факультети тингловчилари орасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижасида, Давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш учун очик танлов ўтказиш давлат органларининг кадрларини яхшилашга ёрдам беради деб ўйлайсизми? деган саволга 79.5% респондентнинг «ҳа», 20.5% респондентнинг «йўқ» деган жавобларидан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизматида киришда танлов усулидан фойдаланиш давлат бошқаруви органларидаги малакали кадрларни шакллантиришда энг самарали йўл эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадқиқот ишида муаллиф хорижий олимлар (Charles Willie, Kokh M., Barnay T., Duguet E., Le Clainche C., Videau Y., Д.Н. Баҳрах) фикрига кўшилган ҳолда танловдан ўтаётган номзоднинг шахсий фазилатлари ва ижтимоий-демографик вакиллик тамойилларини ҳисобга олиш кераклигини қайд этади. Бинобарин, ушбу тамойилларни кўллаш учун давлат томонидан тегишли муҳит яратилган бўлиши ҳамда давлат органи ва ташкилоти бажараётган иш хусусиятини инобатга олиб, давлат хизматида

кабулда аёлларга, турли ижтимоий гуруҳларга квоталар белгиланган бўлиши кераклиги асосланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бошқарув ходимлари таркибидаги аёллар улуши 2017 йилда – 27%, 2018 йилда – 27%, 2019 йилда – 26,7%ни ташкил этган¹. Шунингдек, вазирлик ва давлат қўмиталарида вазир (вазирга тенглаштирилган) лавозимларида фаолият кўрсатадиган аёллар улуши 2018 йилда – 2.9% ва 2019 йилда ҳам – 2.9 %ни ташкил этган². Бундан кўришиб турибдики, давлат бошқарувида аёллар ролини кучайтириш лозим, деган хулосага келинган.

Тадқиқотда хорижий мамлакатлар (Германия, Франция, Буюк Британия, Россия Федерацияси) давлат фуқаролик хизматидаги киришда белгиланган шартларга оид тажриба баён этилган. Хусусан, давлат хизматидаги киришда жисмоний (суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чекланган, давлат фуқаролик хизматидаги киришда тўсқинлик қиладиган касали бор шахслар); ижтимоий (давлат бошқаруви органида яқин қариндошлар ишлаши тақиқланиши, номзоднинг илгари ишлаган давлат фуқаролик хизматида унга нисбатан ишонч йўқолганлиги); ҳуқуқий (жазога тортилганлик; сохта ҳужжатларни ёки қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиш; давлат хизматидаги киришда қонун билан белгиланган маълумотларни тақдим этмаслик ёки ўз даромадлари, мол-мулки ва мулк мажбуриятлари ҳақида қасддан ёлғон маълумот бериш ёки умуман, маълумот бермаслик); сиёсий (давлат фуқаролигидан воз кечиш ёки бошқа давлат фуқаролигини олиш, бошқа давлат (бошқа давлатлар) фуқаролигининг мавжудлиги) шартлари таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «*Давлат фуқаролик хизматини ўташнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари*»га деб номланиб, давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашни расмийлаштириш, хизмат бўйича ҳаракатланиш, давлат фуқаролик хизматчиларини ротация, аттестация, фаолиятини баҳолаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, жавобгарлик, давлат хизмат муносабатларининг тугатилишига оид масалалар таҳлил қилинган.

Муаллиф давлат фуқаролик хизматчилари билан меҳнат шартномаси тузиладими деган масалага меҳнат ҳуқуқи вакиллари (Й.Турсунов, М.Ю.Гасанов, В.В. Кирпатенко) билан бахс-мунозарага киришиб, маъмурий ҳуқуқ олимлари (А.А.Гришковец, Н.Г.Русакова) фикрига қўшилган ҳолда миллий қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиси билан тузуладиган «хизмат контракти» тушунчасини ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисидаги фикрни илгари сурилган.

Диссертацияда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилган ҳолда давлат фуқаролик хизматчилар билан тузиладиган «хизмат контракти»ни фақат меҳнат шартномаси тури деб, ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмаслиги,

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <https://gender.stat.uz> (тўлиқ ҳавола фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган)

² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <https://gender.stat.uz> (тўлиқ ҳавола фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган)

хизмат контракти меҳнат ҳуқуқидан ташқари маъмурий ҳуқуқ элементларини ҳам қамраб олиши қайд этилган. Бинобарин, хизмат контрактида императив қоидалар, хизмат ўташ тартиби, хизматчи қасамёди, хизматни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик, хизмат сирини сақлаш, хизмат хусусиятидан келиб чиқиб қўшимча имтиёзлар (уй жой, транспорт воситаси билан таъминлаш ва бошқ.) ҳам ақс этиши асосланган.

Тадқиқотчи илмий ишида давлат фуқаролик хизматида хизмат бўйича ҳаракатланиш масаласига тўхталиб, давлат хизмати «мансаб модели»га мос бўлган давлат хизматида юқорига қараб ҳаракатланиш, раҳбар лавозимларни эгаллаш профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар учунгина кераклиги ҳамда ҳар бир давлат хизмати лавозимларида хизмат бўйича босқичма-босқич юқорига ҳаракатланиш тартиби ва режасининг мавжуд бўлиши асосланган. Бундай тартиб давлат хизматида иш унумдорлигига эришиш, кераксиз ҳаражатларни камайтириш, шунингдек, давлат хизматчисини бир иш жойида 20-30 йиллар давомида хизмат бўйича ўсмай қолиб кетишини олдини олиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертацияда давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини баҳолаш жуда муҳим ва мураккаб жараён эканлиги, ушбу фаолият аниқ баҳолаш мезонларини, вақт, маблағ талаб этиши қайд этилди. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг нотўғри баҳоланиши бутун давлат хизмати тизимининг ишига таъсир қилиши, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларидаги хизматчилар классификаторини яратиш кераклиги таъкидланди. Бунга биноан «Давлат фуқаролик хизматчиларини баҳолаш ва аттестациясидан ўтказиш тўғрисида»ги низом ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Тадқиқот ишида давлат фуқаролик хизматчисининг жавобгарлиги, ўзига хос хусусиятлари, қонунчиликдаги ноаниқликлар ва бўшлиқлар таҳлил қилинган. Е.В. Сандальникова фикрига кўра «содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятларига қараб, интизомий, маъмурий, жиноий, моддий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги»¹ таъкидланган.

Диссертацияда давлат фуқаролик хизматчиси давлат-хизмат муносабатларининг тугатилиши ўрганилиб, нафақат меҳнат, балки конституциявий, маъмурий, жиноий нормалар билан тартибга солинадиган институт эканлиги асослаб берилган.

Мазкур бобнинг «Давлат фуқаролик хизматида кадрлар сиёсатини амалга ошириш ва бошқариш масалалари» деб номланган учинчи параграфида мамлакатимизда давлат хизматини бошқариш турли шаклда фаолият кўрсатадиган махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳамда хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ Федерал ходимларни бошқариш агентлиги, Франция давлат хизмати вазирлиги, Жанубий Корея кадрлар бошқаруви вазирлиги фаолияти билан боғлиқ хорижий тажрибалар ўрганилди.

¹ Сандальникова Е. В. Юридическая ответственность государственных гражданских служащих в Российской Федерации: теоретико-правовое исследование: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ульяновск, 2007. – С. 6.

Давлат хизматини бошқариш органлари давлат хизматига оид қонунчиликни ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш, давлат хизматидаги кадрлар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат хизматини ўташни ташкил этиш, лавозимлар классификаторини ишлаб чиқиш, давлат хизматига йўналтирилган бюджет маблағларини тақсимлашга тавсия бериш умумий раҳбарликни амалга оширишга йўналтирилганлиги қайд этилди.

Тадқиқотчи давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги бошқарув ва кадрлар сиёсатини амалга ошириш ягона орган томонидан эмас, балки функциялари давлат хизматини ташкил этиш, таъминлаш, такомиллаштиришга қаратилган давлат органларининг тизимлилик асосида ташкил этилган фаолияти эканлиги илгари сурилди.

Тадқиқотчи маъмурий ҳуқуқ вакилларининг фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда давлат хизматини амалга оширадиган органларни қўидаги турларга бўлади: ҳокимият бўлиниш принципига кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органларидаги давлат хизмати¹. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясидаги² давлат хизмати ва бошқа бошқарув аппарати органлари³ (масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва бошқ.) давлат хизмати эканлиги таҳлил қилинган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда тадқиқотчи давлат фуқаролик хизматида кадрлар сиёсатини амалга оширишга хусусий сектор вакиллари жалб этилганлигига алоҳида эътибор қаратади. Давлат фуқаролик хизматига малакали кадрларни жалб этишда замонавий инсон ресурсларини бошқариш технологияларидан, бинобарин, «аутсорсинг», «аутстаффинг», “бенчмаркинг” усуллардан фойдаланиш кераклиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу усулларни қўллаш орқали ҳар бир давлат бошқаруви органи ўзгаришларга тез мослаша оладиган, иш жараёнини яхши билладиган ҳамда ушбу орган иш фаолиятида мавжуд муаммоларга самарали ва инновацион ечимларни тақдим этадиган кучли бошқарувчилар гуруҳини яратиш таъкидланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматини такомиллаштириш истиқболлари**»га бағишланган. Бу бобда Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг ижтимоий зарурати*»га бағишланган.

¹ Хожиев Э.Т. Давлат бошқаруви. Илмий-оммабоп рисола-. Т., 2006

² Хамедов И.А.,Хван Л.Б.,Цай И.М.Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник : Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк.гос.юр.ин-т. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – С 318.

³ См.: *Барабашев А. Г., Прокофьев В. Н.* Создание органа по управлению государственной службой как инструмента унификации правового регулирования видов и уровней государственной службы // Вопросы государственного и муниципального управления. 2015. № 2.

Тадқиқотчи томонидан ушбу параграфда Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тегишли орган томонидан халқ муҳокамасига тақдим этилган «Давлат фуқаролик хизмати» қонун лойиҳасига таклифлар берилган.

Тадқиқотчи томонидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида «Давлат хизмати тизими тўғрисида»ги қонуннинг мавжуд эмаслиги ва мазкур тизимни тартибга соладиган унификациялашга қоидалар йўқлиги турли ноаниқликлар ва зиддиятларни келтириб чиқаришини таъкидланган. Жумладан, давлат хизмати тизими тизимлаштирилмаган, давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, турлари, классификатори, декларация, аттестация, ротация ҳамда давлат фуқаролик хизматига кириш механизмларида ҳанузгача тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолган. Бинобарин, давлат хизмати институти фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга оширишнинг долзарблиги асосланган.

